

А Ж Р И М

(жиноят ишлари ярашув асосида тугатиш ҳақида)

2021 йил 2 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди, Олмазор тумани “Бўстонабод” МФЙ биносида, сайёр суд мажлисида, судья Х.Содиқовнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Халиловнинг котиблигида, тарафлардан Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Комилов, адвокат О.Зупаров, гумон қилинувчи Д.Мусаев, жабрланувчи А.Толенованинг иштирокида, Мусаев Давронбек Бахрамовичга оид 1-1008-2102/590-сонли ярашув тўғрисидаги иш кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Мусаев Давронбек Бахрамович (Musayev Davronbek Bahramovich), 1983 йил 8 апрель куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилалик, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган,

1). Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2016 йил 26 апрелдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан 1 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, тайинланган жазодан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 12.10.2016 йилда қабул қилинган “Амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан озод қилинган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Ходжаева МФЙ, Хислат кўчаси, 6-уй 25-хонадонда яшовчи

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир қилганликда гумон қилинувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, уларнинг ярашув ҳақидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Д.Мусаев 2021 йил 20 сентябрь куни соат 07:15ларда ўзига тегишли Ласетти русумли давлат рақами 01 Н 304 АВ бўлган автоуловини, тегишли ҳужжатлар асосида Тошкент шаҳар Олмазор тумани Фаробий кўчаси бўйлаб бошқариб келиб, Чигатой масжиди қаршисида, Йўл ҳаракати коидаларининг 4-банди 1-қисми, 11-банди “Г” қисми, 83-банди талабларига риоя қилмасдан, ўзидан олдинда бўлган автомашина ҳаракатини тўхтатишига қарамасдан, мазкур автомашинанинг ўнг томонидан ўтиб, ўзига нисбатан чапдан ўнг томонга йўлни кесиб ўтаётган пиёда А.Толеновани уриб юборган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 23 сентябрь кунидаги №5962-Х-Йўл-сонли хулосасига кўра, А.Толенова “Пешона ўнг томони лат еб йиртилган яраси, ўнг катта болдир суягини ташқи тепчасини ва кичик болдир суягини бошчасини боғим ичи ёпиқ синиб силжишлари ва чап болдир соҳасини конталлаши” каби олган жароҳати оғирлик даражасига кўра ОФИР тан жароҳати эканлиги ҳақида баён қилинган.



Д.Мусаев дастлабки тергов органига ариза билан мурожаат қилиб, ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, жабрланувчига етказилган барча моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини ҳамда бир-бирлари билан ярашганликларини билдириб, уни жиноий жавобгарликдан озод этишликни сўраган.

Жабрланувчи А.Толенова дастлабки тергов органига ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчи Д.Мусаев етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, кечирим сўрагани, унга нисбатан даъвоси йўқлигини, у билан ярашгани сабабли Д.Мусаевга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўраган.

Судда гумон қилинувчи Д.Мусаев, қилмишига тўлиқ иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, у билан ўзаро ярашганини билдириб, ўзига оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Судда жабрланувчи А.Толенова гумон қилинувчи Д.Мусаев ундан кечирим сўрагани, етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплагани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги, гумонланувчи билан ўзаро ярашгани, ярашув ихтиёрий бўлиб, ҳеч ким тазйиқ ўтказмагани, суд ярашувни тасдиқлаган тақдирда, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунарли эканини билдириб, Д.Мусаевга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг тўртинчи қисмида, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шунга кўра суд, гумон қилинувчи Д.Мусаевга оид жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми ва ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, унинг айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан туриб тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 582-583, 585-586-моддаларига қўлланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир қилганликда гумон қилинувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган **Мусаев Давронбек Бахрамович** (Musayev Davronbek Bahramovich)га оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми ва ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, унинг айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилсин.

Иш бўйича етказилган зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози томонлар 20 (йигирма) кун ичида хусусий тартибда шикоят ва протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

Х.Содиқов

